СЕШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 134 (10.439) / 2005 ЙИЛ 12 ИЮЛЬ

## Пойтахтнинг бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **ТОШКЕНТ** молия институти битирувчи бакалаврларига дипломлар топширилди.

• **«ҚАТАҒОН»** қурбонлари хотираси» хиёбонида ўтказилган шаҳримиз олий ўқув юртлари битирувчи бакалавр ва магистрларига диплом топшириш маросимида ўқитувчилару ота-оналар ҳам иштирок этишди.

• **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамкорликларида уюштирилган семинар «Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштириш" деб номланди.

• **КАМОЛОТ»** ЁИҲ Собир Раҳимов туман Кенгаши ташаббуси билан 249-мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳда болажонлар иштирокида «Ким эпчилу, ким чаққон?» интеллектуал ўйини ўтказилди.

• **"ЁЗНИ** «Камолот» билан» лойиҳаси доирасида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши томонидан 238-мактабда компьютер синфи ташкил этилди.

• **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Ҳамза туман Кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида туман ҳудудидаги оромгоҳларда инглиз тили тўгараги фаолият бошлади.

• **"COSCOM"** компанияси мижозларига қулайлик яратиш мақсадида янги хизмат турини жорий қилди.

• **БУГУН** шаҳримиздаги 6-мактабда Сергели туманидаги «Иттифоқ», «Наврўз», «Нилуфар» маҳаллалари ёшлари ўртасида арқон тортиш, тўп билан югуриш эстафетаси, «Ким эпчилу, ким чаққон?», «Моҳир ҳужумчи» деб номланган спорт мусобақалари ўтказилди.

• **БУГУН** Учтепа туманидаги «Ўткир» маҳалласида «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши томонидан уюштирилган кўчма оммавий спорт мусобақаларида «Ўткир» ва Усмон Юсупов номли маҳаллалар жамоалари ўзаро беллашди.

• **КЕЧА** 287-мактаб қошидаги оромгоҳ тарбияланувчилари «Камолот» ЁИҲ Учтепа туман Кенгаши ташаббуси билан Олимпия шон-шуҳрати музейига саёҳат қилишди.

• **ЎТГАН** куни мамлакатимиздаги олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синов имтиҳонлари бўлиб ўтди.

• **КЕЧА** 154-мактаб қошидаги «Қалдирғоч» оромгоҳида «Нима, қачон, қаерда?» интеллектуал ўйинлари ташкил этилди.

• **КЕЧА** 214-мактабда «Камолот» ЁИҲ Миробод туман Кенгаши ташаббуси билан «Оқ уй», «Файзиобод» ва «Билимдон» маҳаллалари ёшлари ўртасида узоқ масофага югуриш, узунликка сакраш, футбол беллашувлари ҳамда «Қувноқ стартлар» мусобақаси ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

*Жаноби Олийлари,*

*«Катта саккизлик» саммитида иштирок этиш учун Глениглс шаҳрига бора туриб Ўзбекистон Республикаси ҳудуди устидан учиб ўтар эканман, Ҳиндистон ҳукумати ва халқи номидан, шунингдек шахсан ўз номимдан дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловларимни ҳамда фаровонлик ва гуллаб-яшнаш борасидаги энг эзгу тилакларимни етказишни истар эдим.*

*Ҳиндистон ва Ўзбекистонни кўп асрлик тарихий ва маданий муносабатлар боғлаб туради ва биз умид қиламизки, улар кенгайишда давом этаверади.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Сиз Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий тилакларимни, мустаҳкам соғлиқ ва муваффақиятлар изҳор этишни истар эдим.*

**Манмоҳан СИНГХ,**
**Ҳиндистон Бош вазири**

## ЯНГИ КИТОБ ТАҚДИМОТИ




***Ислом дини — ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган. Дин халқ табиатини пок асрашда, инсонлар ўртасида меҳр-оқибат ўрнатишда катта хизмат қилган. Одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келган.***

**Ислом КАРИМОВ**

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетида «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат муассасалари раҳбарлари, олимлар, таниқли уламолар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган конфессиялар, хорижий дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни очар экан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов дин соҳаси ривожи билан боғлиқ жараёнлар ўзининг тизимли ифодасини топган мазкур китобнинг нашр этилиши муҳим ижтимоий-сиёсий ва илмий-маърифий аҳамиятга эга ҳодиса эканини қайд этди.

Республикамизда виждон эркинлигини таъминлаш, маънавий қадриятларни тиклаш, улуғ алломаларимиз ҳаёти ва фаолиятини тадқиқ этиш, уларнинг бутун жаҳон афкор оммаси тан олган асарларини халқимизга қайтариш бўйича хайрли ва эзгу ишлар амалга оширилди. Диний расм-русумлар, байрамларни ўтказиш, эркин ибодат қилиш, диний ўқув юртларини очиш, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун кенг йўл очилди. Шу тариқа йиллар давомида халқимиз қалбида армон бўлиб келган орзулар воқеликка айланди. Бу ишларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов олиб бораётган изчил, тизимли сиёсат билан боғлиқдир.

Университет олимлари томонидан ўзбек, араб ва инглиз тилларида тайёрланган «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида» китобида ана шу сиёсатнинг назарий асослари ва амалий натижалари ўзининг яхлит ифодасини топган. Унда, жумладан, 1990-2005 йиллар мобайнида юртимизда дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган 16 та фармон, Вазирлар Маҳкамасининг 48 та қарори, Юртбошимизнинг халқаро анжуманлар ва учрашувларда билдирган мулоҳазалари, эълон қилинган асарларидан олинган иқтибослар тадрижий тарзда жамланган.

Виждон эркинлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг ижросини ўзида акс эттирган 225 та фотосурат, аҳамиятга молик саналар солномаси ҳам соҳада амалга оширилаётган ўзгаришларни кенг тасаввур қилиш имконини беради.

Ота-боболаримиз, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни тиклаш, муқаддас қадриятларимизни сақлаш ва асраб-авайлаш, ёш авлодни уларга садоқат руҳида тарбиялаш маънавий бойлигимиз ва қудратимиз манбаи ҳисобланади.

Маърифатли, бағрикенг ислом динига мусулмонликни ниқоб қилиб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қилишга уринаётган жангари, мутаассиб кучларга қарши курашишда ёрдам бериш Ўзбекистон ҳукумати юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишига айланган.

Президент Ислом Каримовнинг юқорида қайд этилган масалалар юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам ушбу ҳақиқатнинг амалий исботидир.

Тадбирда сўзга чиққан давлат ва жамоат арбоблари, уламолар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари «Ислом зиёси ўзбегим сиймосида» китоби Ўзбекистоннинг дин соҳасида олиб бораётган сиёсатининг моҳиятини тушуниш ва тўғри баҳолашда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этдилар. Хусусан, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф.Мухаметшин тинч-тотув яшаб келаётган Ўзбекистон халқи дунёвий давлатчилик шароитида турли конфессияларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва динлараро тотувликни сақлашнинг ёрқин намунасини намойиш этаётганини таъкидлади. Унинг фикрига кўра, бу Президент Ислом Каримовнинг виждон эркинлигини таъминлаш, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш, диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши курашда маърифий исломни ривожлантиришнинг бунёдкори ва кафили сифатида олиб бораётган амалий ишларининг натижасидир.

Шунингдек, тақдимотда сўзга чиққанлар мазкур китоб жамоатчилик ва жаҳон афкор оммасини мамлакатимизда маърифий соҳада олиб борилаётган қатъий, тизимли ва тадрижий сиёсат ҳамда аниқ амалий ишлар билан яқиндан таништиришга хизмат қилишини таъкидладилар.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Нукус шаҳридаги ёзги амфитеатрда «Ўзбек халқи ҳеч кимга, ҳеч қачон қарам бўлмайди» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Тадбирда Оролбўйининг ўқувчи ва талаба ёшлари, спорт, санъат ва таълим соҳасида юқори натижаларга эришаётган йигит-қизлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.**

**• Жиззах вилояти марказидаги Мустақиллик майдонида «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.**

**• Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Қорақалпоғистон бўлими овул фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун ўқув курслари ташкил этди.**

**• Урганч шаҳрида фуқаролик жамиятини шакллантиришда хотин-қизларнинг ролини ошириш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**• Рустам Қосимжоновнинг жаҳон шахмат тожини кийганига бир йил тўлди.**

**• Зомин туманидаги Ўриклисой оромгоҳида уч кун давомида республика ёш ижодкорларининг тўққизинчи анъанавий семинар-танлови бўлиб ўтди.**

**• Янгийўл шаҳар автомобиль мактабида чақирув ёшидаги йигитлар ўртасида кўпкураш бўйича Тошкент вилояти биринчилиги якунланди.**

### Жаҳонда

**• Судан ҳукумати Дарфурда икки исёнкор гуруҳ билан ярашув битимини имзолади. Ушбу ҳужжатнинг минтақадаги вазиятнинг барқарорлашишига олиб келиши кутилмоқда.**

**• Дэннис тўфони Куба ва Гаити мамлакатларига вайронагарчиликлар келтириб, катта иқтисодий зарар етказди. Хусусан, кўплаб уйлар ва кўприклар вайрон бўлди. Кубада 10 киши ҳаётдан кўз юмди.**

**• Франциянинг жанубида машҳур Авинъон фестивали бошланди. Уч ҳафта давомида очиқ саҳнада жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан келган ҳаваскор театрлар ўз санъатларини намойиш этишади.**

**• Россиянинг Ульянск областида жойлашган Куйбишев сув омборига маҳаллий цемент заводидан бир неча тонна зарарли кимёвий моддалар тушиб, сувнинг бениҳоя зарарланишига сабаб бўлди.**

## БЕРЛИНДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

**Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасида республикамизнинг Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича 2005-2006 йилларга мўлжалланган дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда Германия федерал вазирликлари ва муассасалари, компания ва фирмалар, банк-молия тизимининг юздан зиёд вакиллари, шунингдек, журналистлар иштирок этди.**

Тақдимотда Давлат Мулк қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари И.Яковлев, «Ўзэлтехпром» уюшмаси раиси Ш.Умаров, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси раисининг биринчи ўринбосари Б.Йўлдошев сўзга чиқди. Улар ҳукуматнинг хусусийлаштириш соҳасида олиб бораётган сиёсати, хусусийлаштиришнинг янги дастури, хорижий сармоядорларга яратилган қулай шарт-шароитлар, Ўзбекистоннинг сармоявий салоҳияти ҳамда рўёбга чиқарилган лойиҳалар, хусусан, немис компания ва фирмалари билан ҳамкорликда амалга оширилган лойиҳалар ҳақида тадбир иштирокчиларига атрофлича маълумот бердилар.

«Прайс Вотерхаус Куперс» аудитор-маслаҳат компанияси эксперти М.Хубер-Заффер федерал ҳукуматнинг немис сармоялари ва хориждаги ҳисоб маблағларини суғурталаши ва кафолатларининг шарт-шароитлари тўғрисида ахборот берар экан, Германия ҳукумати Ўзбекистонга нисбатан муносабатда Сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида имзоланган икки томонлама Битимга асосланишини қайд этди.

Тақдимот савол-жавобларга бой бўлди. Немис тадбиркорлари ўзларининг Ўзбекистонда солиқ сиёсати, хорижий ва қўшма корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимояланиши юзасидан берган саволларига батафсил жавоб олишди. Шунингдек, қатор сармоявий лойиҳалар ҳамда республикада хусусийлаштирилиши мўлжалланаётган корхоналар ҳақидаги атрофлича маълумотлар ҳам уларнинг эътиборига ҳавола этилди.

**«Жаҳон» АА**

### ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

**Юртимизнинг янгиланиш босқичида ислоҳотларни жадаллаштиришга асос бўла оладиган Фармон ва Қарорларнинг ижросини таъминлаш — бугунги давр талабидир. Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантиришга оид яқинда эълон қилинган қатор Фармонлари ва Қарори ҳақида «Ташаббус» кўрик-танловининг Мирзо Улуғбек туман босқичининг ғолиби, «Avitsenna — Aroma» масъулияти чекланган жамияти бош директори Иброҳим ТУРСУНОВ ўз фикр-лари билан ўртоқлашди:**

## ФАРОВОНЛИГИМИЗ ОМИЛИ

— Тадбиркорликни ривожлантириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш масаласи Президентимизнинг доимий диққат-эътиборида. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, юртимиз иқтисодиётидаги улушининг кўпайишини таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланганi ҳам бежиз эмас, албатта. 2007 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.

Бизнинг жамоа аҳли 2003 йилнинг охирида иш бошлаган бўлса-да, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлатимиз томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар туфайли «Septaksin» деб номланган юксак самарали, экологик тоза бўлган дезинфекцияловчи воситаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Изланиш, ташаббус меваси бўлмиш бизнинг сифатли, рақобатбардош маҳсулотимиз кўплаб соҳаларда қўлланишга мўлжалланган бўлиб, 5 йиллик сақлаш муддати билан ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборли томони, маҳсулотимиз нафақат республикамиз, балки «Ўзбекистонда тайёрланган» тамғаси билан Мустақил Ҳамдўстлик давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда. Умид билан иш юритишимиз туфайли ҳам келажакда орзуларимиз бисёр. Яна шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, тадбиркор раҳбарлар ҳар бир ҳужжатни чуқур ўрганиши, яъни ҳуқуқий саводхонлигини ошириши —замон талаби бўлибгина қолмай, ишлари ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг июнь ойида эълон қилинган қатор Фармон ва Қарорлари айни юқоридаги мақсадга самарали хизмат қилиши, шубҳасиз. Халқаро андозаларга мос бу қоидалар истиқлолимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ва изчиллик билан амалга оширилаётган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг беш тамойилидан келиб чиқиб қабул қилинганлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Уларда жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини кескин камайтириш, иш одамларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги қатъий чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Хуллас, жамиятимизда нуфузи тобора ортиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи учун янги имкониятлар эшигини очиб берган юқоридаги ҳужжатлар иқтисодиётимиз юксалишида, халқимиз фаровонлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

## СИЁСИЙ ЎЙИНЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ ЭМАС, ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ КЕРАК

**Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШҲТ) яқинда бўлиб ўтган саммити бутун дунёга унинг нечоғли самарадорлигини намойиш этди. Ҳозир нафақат сиёсатчилар, балки оддий одамлар ҳам ШҲТ халқаро ҳамкорликнинг муҳим институтига, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг, халқаро терроргчилик, айирмачилик ва экстремизм, наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафик каби энг хавфли таҳдид ва хатарларга қарши курашнинг муҳим омилига айланиб бораётганини англаб етмоқда.**

Қайд этиш жоизки, ШҲТнинг шаклланиш жараёни анча жадал кечди. 2004 йилдан Пекинда унинг Котибияти, Тошкентда эса Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) доимий фаолият кўрсата бошлади. ШҲТ 2004 йилнинг декабрида БМТ Бош ассамблеясида кузатувчи мақомини олди. 2005 йилда ШҲТ билан АСЕАН ҳамда МДҲ ўртасида ўзаро анг-лашув меморандумлари имзоланди. Буларнинг барчаси айни мана шундай ташкилотнинг тузилишини тарихий ва сиёсий зарурат тақозо этганидан далолат беради. У яқинда ташкил этилганига қарамасдан, халқаро майдонда фаоллик кўрсатмоқда, дунёда ушбу ташкилот билан ҳамкорликка қизиқиш ортиб бормоқда.

Остонада ўтган навбатдаги саммитда уч мамлакат — Ҳиндистон, Покистон ва Эрон кузатувчи мақомини олди. Маълумки, ўтган йилги Тошкент саммитида Мўғулистонга ана шундай мақом берилган эди.

ШҲТнинг ошиб бораётган нуфузи ва истиқболини Ўзбекистон Президенти ёрқин ифодалаб берди. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, дунёнинг жуғрофий, аниқроғи, геосиёсий харитасига назар ташлаб, ШҲТ таркибига кирувчи мамлакатларни бир рангда белгилаб чиқилса, бу галги саммитда ташкилотга кузатувчи сифатида қабул қилинган Ҳиндистон, Покистон ва Эрон каби етакчи Осиё мамлакатларининг улкан заҳиралари ва аҳолиси инобатга олинса, бугунги кунда ШҲТ қандай ташкилотга айланганини ва нечоғли катта салоҳиятга эга эканлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу тариқа ШҲТ орқали курраи замин аҳолисининг қарийб ярмини ўзаро яқинлаштириш, кўплаб халқлар ва мамлакатлар ўртасида янги асосдаги ҳамкорликни йўлга қўйиш имконияти туғилмоқда. Бунда айниқса савдо-иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштиришга ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришга катта умид боғланмоқда.

Остона учрашувида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Декларацияси қабул қилинди. Президентлар ШҲТга аъзо мамлакатлар ўртасида терроргчиликка, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлик Концепциясини ҳамда ШҲТга аъзо давлатларнинг МАТТ ҳузуридаги доимий вакиллари тўғрисидаги Низомни тасдиқлашга оид қарорларни ҳам имзоладилар. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим ва ташкилот доирасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган ҳужжатлардир.

Декларациянинг «антитеррор коалициянинг тегишли аъзолари ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги қайд этилган инфратузилмалар объектларидан вақтинча фойдаланиш ва ўз ҳарбий контингентларини сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириши зарурлиги» тўғрисидаги қисми катта акс-садо уйғотди.

Маълумки, Ўзбекистон ҳам антитеррор коалициянинг фаол иштирокчисидир.

Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот учун ахборотида таъкидланганидек, 2001 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ва бу ердаги ҳарбий инфратузилмадан фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида Битим имзоланган эди. Буни биринчи галда Ўзбекистон томонининг суверен Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига, хавфсизлиги ва барқарорлигига толиблар ҳамда халқаро терроризм кучлари томонидан бўлаётган бевосита таҳдидни бартараф этиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилиши тақозо этган эди.

Биз ҳаммамиз турли андишасиз босқинчи тўдалар, қуролланган терроргчи гуруҳлар Ўзбекистон ҳудудига суқилиб кирган, чегарадаги Ҳайратон кўпригида фитналар уюштирилган таҳликали кунларни яхши эслаймиз. Ўзбекистон Президенти бу хатти-ҳаракатлар нафақат Ўзбекистон ё минтақамизга, балки бутун дунёга таҳдид эканлигини кўп бор таъкидлаган эди. 2001 йилнинг 11 сентябрида Нью-Йоркда содир этилган фожеали воқеаларгина, ниҳоят, жаҳон ҳамжамиятининг, биринчи навбатда, АҚШ жамоатчилигининг кўзини очди ҳамда Афғонистондан чиқаётган ва тобора кучаётган хавфни аён кўрсатди.

Ўзбекистон антитеррор коалициянинг фаол иштирокчиси сифатида мана шундай шароитда ҳарбий операциялар ўтказиладиган давр-да фақат қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун имконият яратиш мақсадида АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари чекланган контингентининг Хонобод-Қарши аэродромидан фойдаланишига розилик берди.

Кейинги воқеалар Афғонистон шимолидаги жанговар операцияларнинг муваффақиятли ўтишида ва у ердаги халқаро терроргчиларнинг ҳарбий полигон ва базаларини, Толибон кучларининг ўзагини йўқ қилишда Хонобод аэродроми ўта муҳим ўрин тутганини кўрсатди.

Мана, икки йилдан ошяптики, АҚШ раҳбарларининг ўзи ҳам таъкидлаганидек, жанговар операцияларнинг фаол босқичи якунланди ва энди ўз-ўзидан аёнки, Хонобод аэродромидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва зарурлиги ҳақидаги фикрлар долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмоқда.

Шунинг учун ҳам кўпчиликда, айниқса, бевосита аэродромга ва Афғонистон чегарасига яқин ҳудудларда яшайдиган одамларда аллақачон шундай табиий бир савол пайдо бўлган. Яъни, ҳозирги Афғонистон ўз ҳукуматини, президентини сайлаб олган бўлса, мамлакатда тинч ҳаёт тикланаётган бўлса, Қаршида ҳали ҳам АҚШ аэродромини сақлаб туриш мақсадга мувофиқмикан, деган савол ўзига жавоб кутмоқда. ШҲТнинг Остона саммитида қабул қилинган ҳужжатда баён этилган Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудларидаги аэродромлардан фойдаланишнинг муайян якуний муддатларини аниқлаштириш борасидаги чақириқлар, бизнингча, ҳар томонлама асосли ва ўз вақтида қилинган ишдир.

**Нодир ЗАЙНОБИДДИНОВ,**
**Тарихчи ва сиёсатшунос.**

«Правда Востока» газетаси, 2005 йил 9 июль.

*Таълим*

## БИЛИМЛАР СИНОВИ ҒОЛИБЛАРИ

**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида ўқишда намуна бўлаётган иқтидорли талабалар кўп. Севара Ғаффорова эса рус тили ва адабиёти фанидан пухта билим эгаси сифатида танилди.**

Гап шундаки, бу олий ўқув юртида рус тили ва дабиёти бўйича республика фан олимпиадаси ўтказилди. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Росзарубежцентр" ташкилоти ҳомийлигида ташкил этилган бу билимлар синовида Севара Ғаффорова биринчи совринли ўринни қўлга киритди. Диплом ва рангли телевизор билан мукофотланган бу ғолиб талабага "Олтин ҳалқа бўйлаб" саёҳат йўлланмаси ҳам топширилди.

Ёзги таътил кунларида у Россияда бўлиб, саёҳат гаштини суради.

## КАФЕДРА 30 ЁШДА

**"Педагогика ва ўқитиш услубиёти" деган кафедра эндиликда "Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси" деб номланади. Унинг Тошкент ирригация ва мелиорация институтида фаолият кўрсата бошлаганига 30 йил бўлди.**

Қишлоқ хўжалиги бўйича муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш билан шуғулланиб келаётган мазкур кафедра ўнга яқин фанни қамраб олган таълимий жараёнда илмий изланишларни олиб бормоқда.

Республика Олий аттестация комиссияси қарори билан бу ерда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти ҳузуридаги муайян ихтисослашган кенгаш ҳамда илмий семинар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Шу йиллар давомида кафедра олимлари томонидан 100 дан ортиқ ўқув қўлланмалари ва рисолалар яратилди.

## ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ МАШҒУЛОТЛАРИ

**Халқ таълими раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтида физика фани бўйича лаборатория иши ва амалий машғулотлар ҳам мунтазам ўтказиб келинмоқда. Физика фани бўйича мутахассис тингловчилар лаборатория машғулотларида фаол қатнашиб, замонавий амалий кўникмалар ҳосил қилишмоқда.**

Лаборатория ишлари учун зарур қўлланмалар яратилган. Тингловчилар курс тугагандан сўнг ўзлари дарс бераётган мактабларда мутахассислик бўйича олган бой билимларини амалиётга татбиқ этадилар.

Институтда таълимнинг давлат таълим андозалари бўйича янги ўқув лаборатория ускуналаридан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

**Анвар ВОҲИДОВ**

*Танловлар*

## ИСТЕЪДОДЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

**Мустақиллигимиз ўн тўрт ёшга тўлмоқда. Бу давр ичида ҳаётимизнинг барча соҳаларида, шунингдек адабиёт, санъат ва маънавият соҳаларида ҳам эришган ютуқларимиз улкандир. "Ўзбекистон қўшиқ байрами" деган нурли тушунча ҳам бу даврда ҳаётимизда чуқур илдиз отди. Она-Ватанга меҳр-муҳаббат туйғуси, унинг дахлсизлиги ва равнақи йўлида жон фидо этиш ғояси, ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмаган ва бўлмайдиган мардона халқимизни, унинг қалб дунёсини дилбар, бадиий юксак, жўшқин тароналарда улуғлаш қўшиқчилик санъатимизнинг бош мақсадидир.**



Аввал хабар берилганидек, яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўрт йиллигига бағишланган "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизими доирасида ўтказилган ушбу танловда ижодий жамоалар ва якка хонандалар ўз санъатларини намойиш этдилар. Танлов сўнггида ғолиблар аниқланди.

Биринчи ўрин Самарқанд вилоятидан Раъно Авазовага, иккинчи ўрин Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқа театри артисти Дарибай Хожабергенова, учинчи ўрин эса Хоразм вилоятидан "Дилором" ашула ва рақс ансамбли хонандаси Бахтиёр Раҳмоновга насиб этди.

Шунингдек, танловда Тошкент шаҳридан ўнлаб ёш истеъдодлар иштирок этдилар. Мирзо Улуғбек туманидаги "Гулшан" номидаги маданият уйи қатнашчиси Нодирбек Зоитов "Ўзбекистон" қўшиғи учун рағбатлантирувчи дипломга эга бўлди.

— "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танловининг бир неча йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётгани қувончли ҳолдир — деди, Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев. — Ушбу танловда энг иқтидорли ширин овоз соҳиблари иштирок этдилар. Улар ўзларининг қўшиқларида жаннатмакон Ўзбекистонимизни, Истиқлолимизни тараннум этдилар.

Дарҳақиқат мазкур кўрик-танлов барча қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

— Мен танловда ғолиба бўлишни жуда ҳам хоҳлаганим, — дейди "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кўрик-танлови ғолибаси Раъно Авазова. — Узоқбой Мисилбоев сўзи, Алишер Жобиров мусиқаси билан куйланган "Соғлом авлодим" қўшиғим билан биринчи ўринни эгалладим. Ҳозир жудаям хаяжондаман. Худо хоҳласа истеъдодимга билдирилган ишончни албатта оқлайман. Ўз қўшиқларим билан санъатимиз довруғини дунёга таратишга ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Танлов сўнггида ғолибларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёрлиқлар топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик танловидан лавҳа.**

**Наталья Семёнова олган сурат.**

*Шундай одамлар бор бўлсин*

## ЕР ИЛМИНИНГ ЗАҲМАТКАШИ

**Ер. Ўта қисқа ва чуқур мантиққа эга бўлган айни сўзда буюк фалсафа, ҳаётий мазмун жамланган. Негаки, ер ҳам табиат, ҳам жамият тарихининг жонли ва абадий гувоҳи, ўзида минглаб сиру-синоатларни асраб, авайлаб, эҳтиётлаб келаётган, уларни келажак авлодларга туҳфа қилаётган битмас-туганмас хазинадир. Тенги йўқ ушбу хазинанинг ўз фидойилари, билимдонлари, заҳматкашлари борки, уларнинг қадрига етиш оддий, аммо юксак инсоний бурчдир. Бинобарин, геология илмини — ершунослик фанининг билимдонларидан, заҳматкашларидан бири — бой тажрибага эга, доимо фаол ҳаракатда бўлган Малик ака Қодировсиз тасаввур этиш мушкул.**

Малик ака Қодиров 1935 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1954 йилда мактабни, 1959 йилда эса ЎзМУ (собиқ ТошДУ)нинг геология факультетини тугатиб, геолог-муҳандис мутахассислигини эгаллади.

1959-1965 йилларда Ўзбекистон Республикаси Геология бош бошқармаси ҳузуридаги комплекс геологик карталаш ва қидирув экспедициясининг Қалқон ота сув иншоотида катта коллектор, геолог лавозимларида меҳнат қилди, назарий билимларини амалиёт билан боғлади, тажрибасинов майдонига далил қадам қўйди.

Ершунос олим 1962 йилда Ҳабиб Абдуллаев номидаги геология ва геофизика илмий-тадқиқот институти аспирантурасига кириб, билимини мукаммаллаштириб борди. Айни пайтда у икки йиллик "Ишчи мухбирлар" университетида ҳам сабоқ олди.

Малик ака Қодиров 1964-1971 йилларда ҳозирги "Ўзбекистон овози", "Овози Тожик", "Тошкент оқшоми", "Гулистон", "Фан ва турмуш" каби газета ва журнал саҳифаларида геология фанининг турли соҳалари бўйича 100 дан ортиқ мақолалар, хабарлар эълон қилди, халқимизни янгиликлар билан таништирди.

У 1968 йилда илмий-тадқиқот ишларини якунлаб, "Қурама-Чотқол тоғларининг марказий қисмидаги ўрта ва юқори тошкўмир даври вулқон жинсларининг петрографияси ва геокимёвий хусусиятлари" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди ва институтнинг "Регионал геология" лабораториясида илмий ходим сифатида иш бошлади.

Малик Қодиров 1970-1997 йилларда факультетнинг "Петрография ва фойдали қазилмалар" кафедрасида доцент лавозимида ёшларга геология фани сирлари, янгиликлари, ютуқлари ва аҳамияти ҳақида маърузалар ўқиди, тажриба ишларини олиб борди, таълим-тарбия жараёнига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Айни вақтда олим ўз йўналиши бўйича илмий изланишларда етакчи мутахассис сифатида ҳам фаоллик кўрсатди.

У бир неча йиллар давомида Давлат илмий-техник қўмитаси томонидан берилган "Грант" мавзуларининг асосий бажарувчиси бўлди.

Таъкидлаш жоизки, олимнинг геология фанидаги жиддий ва баракали хизматларидан бири унинг иштирокида ҳаммуаллифликда 2000-2004 йилларда нашр қилинган "Нефть ва газ геологияси" ҳамда "Нефть ва газ саноати" деб номланган русча-ўзбекча изоҳли луғатларидир. Ниҳоятда оғир, синчковлик талаб қиладиган бу сермашаққат иш айни вақтда ёшларга ўзига хос қўлланма вазифасини ўтамоқда. Шу кунларда геолог олим бой тажрибасини ишга солиб, "Нефть ва газ" энциклопедиясининг 2-жилдини тузишда иштирок этмоқда.

Геолог олим жамоат ишларида ҳам етакчилардан ҳисобланади. Яъни Ўзбекистон Миллий университети ва факультет методик кенгашларининг ҳамда халқ назорати қўмитасининг аъзоси, факультет методик кенгашининг, талабалар касаба уюшмасининг раиси сифатида ҳам иш олиб борган. Шунингдек, яшаш манзили — Учтепа туманидаги "Дўстлик" маҳалласининг фаолларидан ҳисобланади.

Малик ака шу кунгача 80 дан ортиқ илмий-назарий ва илмий-методик ишлар яратдики, булар қўлланма, монография, изоҳли луғатлар, илмий ҳисоботлар сифатида айни фан вакиллари ҳамда талабалар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ершунослик илмининг заҳматкаши, ИГИРНИГМ институтида етакчи илмий ходим лавозимида самарали меҳнат қилаётган олим уч қиз ва бир ўғилнинг отаси, ўн икки неваранинг севимли бобоси. Отахоннинг турмуш ўртоғи Дилбархон она тажрибали шифокор. Улар айни вақтда ҳамкорликдаги ҳаётларининг 40 йиллик тўйи арафасида туришибди.

Зиёли оиланинг сардори бўлган Малик Қодировга узоқ умр, куч-қувват ва бардамлик тилаймиз.

**Равшанхўжа РАСУЛОВ,**
**Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети Умумий тилшунослик кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор,**
**Низомиддин ИСАБОЕВ, Учтепа туманидаги "Дўстлик" маҳалласи фаоли.**

*Ёшлар — келажагимиз*



## КАТТА ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ

**Талабалик — олтин даврим, дея бежиз айтилмайди. Зеро, энг замонавий шарт-шароитлар яратилган олий ўқув юртларида, ўрта махсус таълим масканларида билимларни ўзлаштирган ёшлар етуклик дипломини олиб мустақил ҳаётга қадам қўядилар.**

Шу кунларда барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширган, ҳар бир соҳада мустақил юрт ривожига ўз ҳиссасини қўшишга тайёр турган ўғил-қизларга тантанали равишда дипломлар топширилмоқда.

Жумладан, Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежида ҳам шундай тадбир бўлиб ўтди. Шуни айтиш керакки, мазкур таълим масканини 2004-2005 ўқув йилида 268 нафар ўқувчи битирган бўлса, шулардан 55 таси имтиёзли дипломга эга бўлди.

Тадбирнинг ўзига хос жиҳати шунда бўлдики, унда «Roison» қўшма корхонасининг вакили қатнашди, коллеж ва корхона ўртасида тузилган шартномага мувофиқ битирувчиларга ўз соҳалари бўйича мазкур қўшма корхонада ишлаш учун йўлланмалар берилди.

Коллеж битирувчилари орасида кўплаб иқтидорли ёшлар борлигини ҳам қувонч билан таъкидлаб ўтиш жоиз. Масалан, Ойбек Умаров шаҳар миқёсида ўтказилган "Энг иқтидорли ўқувчи" танловида ғолиб чиққан бўлса, бир нечта битирувчи, жумладан ЭВМ—31 гуруҳидан Мурод Болиев диплом ишини инглиз тилида ёқлади.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: Тошкент Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи битирувчилари.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## Шарқ дурдоналари

### Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Кайковус айтади:

—Фирибгарлардан эҳтиёт бўл ва ўзинг ҳам кишиларни алдама,чунки кишиларни алдайдиган ва уларни алдадим деб гумон қиладиган ҳар қандай киши хато қилади — у ўзини ўзи алдайди.

● Абу Али ибн Сино айтади:

— Одамларнинг ботири мушкулотдан қўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг қўрқоғидир.

● Саъдий Шерозий айтади:

— Дилга марғуб бўлган кўзга ҳам махбуб бўлади.

● Абдул Аъло Маарри айтади:

— Инсон ўз уйининг эшигини беркитиб, вужудини сақлай олади-ю, лекин қалб эшигини беркитишдан ожиз бўлади, қалбига қайғу-алам кўп вақт ҳужум этиб туради.

● Бир донишманд айтади:

— Меҳнат одамни катта фалокатдан: ғамгинликдан, муҳтожликдан, энг асосийси — касалликдан халос этади.

● Нафснинг давоси очкўзликни тарк этиш, хасисликка йўл қўймасликдир.

● Очиқ душман яширин душмандан хавфсизроқдир.

● Самимий дўст сени хайрли йўлга бошлайди. Ёмон йўлга бошлаганни асло дўст ҳисоблама.

● Бу дунёда ҳамма нарса ўзгаради, фақат фазилат ўзгармайди.

● Ақлли кишилар ғийбатчилардан узоқ бўладилар, чунки ғийбат энг ёмон одатлардан бўлиб, келтирадиган зарари кўпдир.

Байт:

**Айтмагил ғийбат сўзин,**
**ҳам унга ҳеч солма қулоқ,**
**Ундан оғзинг ҳам,**
**қулоғинг пок бўлса яхшироқ.**

● Олимлардан Фахриддин Розий айтади:

—Тиланчини қуруқ қайтариш, жоҳил билан ҳамсуҳбат бўлиш, молу дунё орттиришга хирслик ва оиласини маишат жиҳатидан тангликда қолдириш бадбахтлик нишонасидир.

● Машҳур донишманд Бузуржмеҳрдан: «Билимни нима нарса безайди? Шижоатничи, сахийликничи?» деб сўрадилар.

Донишманд айтди: «Билимни — тўғрилик, шижоатни — афв қилишлик ва сахийликни — очиқ юзлилик ва ширинсўзлик безайди».

● Олимлардан Шайх Жуманд айтади:

— Ёлғон сўзлаш эзмалик, такаббурлик, чақимчилик кишининг обрўсини йўқотади. Вафодорлик, сабр қилишлик, шошма-шошарликдан парҳез этиш ва тавозе обрўни кўтаради.

● Жалолиддин Румий айтади:

— Кумушнинг ташқи кўриниши оппоқ бўлса ҳам қўлда ва чўнтакда кўп тутилса, қора юқтиради. Шунга ўхшаш баъзи одамларнинг сўзлари зоҳирада кумуш каби порлоқ ва тоза кўринса ҳам, лекин қайғу ва зарар келтиради. Уларнинг сўзларига ишониб ғафлатда қолган соддадил одамнинг кўнгли қораланади, тубанлашади. Кўринишда гўзал, ҳақиқатда ёмонлик мисоли бўлган одамларнинг сўзларига қараманг, жамиятга қилган таъсирларига, ярамас хулқларининг қўрқинчли натижаларига қаранг, кичкинтой ёш бола чўғ-ўтни севади, куйдирса додлаб йиғлайди. Кичкинтойлар чўғдан, соддадил одамлар эса ҳийлакор, найрангбоз, мунофиқлардан куйдилар.

Байт:

**Яхшилардан кўрасан**
**меҳр-вафо,**
**Сенга етказгай мунофиқ**
**кўп жафо.**

*Ўзбек адиблари — "Оқшом" учун*

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# УМАРШАЙХ МИРЗО

## ("УЛУҒ САЛТАНАТ" ТАРИХИЙ РОМАНИНИНГ ИККИНЧИ КИТОБИДАН БОБЛАР)

**Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.**

Яна гуриллаб кулгу кўтарилди. Барчани Ориқнинг закийлик билан берган нозик жавоби қойил қолдирди. Пакананинг бўйи яна ҳам пасайиб кетгандай бўлди. Амир Мусо кулгидан ёшланган кўзларини артарди..

Зарофатлар яна давом этиши мумкин эди-ку, аммо нард ўйнаётганлар ичида ихтилоф пайдо бўлиб, ҳамма нарсанинг белига тепди. Чамаси, улар хийладан бери баҳслашиб келар эдилар.

— ...Бекор айтибсен! Тўпиқнинг гули мана бунақа эди! – деди биринчиси овозини кўтариб.

— Билиб гапир!.. – сўзини кесди гунгурсдай одам биринчисига. – Унақамас, мана бунақа! Кўз борми?.. Ёки пўстакнинг йиртиғими?.. Нақши чиройлик, гули тепадан тушиб келган эди...

— Кўрганни эшитган енгибди!... Тавба!.. Сен бундай гапирма–да! Гули пастдан чиқиб келган эди!

— Вей, тепадан эди, деяпман сенга!..

— Пастдан эди, пастдан эди!

— Тепадан, деяпман!.. Одамни хит қилма!.. Жинними бу...

— Пастдан!.. Мен пастдан деяпман!.. Галварсни қаранг!.. Ха–ха!..

— Нима, жиннимисан ўзи?!

— Ўзинг жинни!!! Билдингму?..

Гунгурсдай одамнинг тоқати тоқ бўлиб кетди:

— Астағфурилло!.. Амир Темур Кўрагон боши билан қасам ичаманки, тўпиқларнинг нақши чиройлик, тепадан тушиб келган эди!.. – деб юборди аччиқ устида!

Буни эшитиб Ахий Жаббор баҳодирнинг юзига қон тепди! Дик этиб ўрнидан турди–да, "ҳе" йўқ, "бе" йўқ, бориб ҳалиги гунгурсдай одамнинг соқол аралаш юзига тарсаки тортиб юборганини билмай қолди!

— Эй ножинс, кирчи хотиннинг ўғли! – бақирди Ахий Жаббор баҳодир. – Оғзингга қараб гапир! Ажалингдан беш кун бурун ўлмоқчимисен?..

Сўридаги одамлар ҳайратда донг қотиб қолдилар. Ҳамма: "Нима гап?.." дегандай шу томонга қаради.

— Ие! Ие!.. – дер эди гунгурсдай одам ҳанг–манг бўлганча юзларини силаб, Ахий Жаббор баҳодир орқасида хезланиб турган Учқора ва Йаналтекинларга қараб қўяркан. – Мен... нима–а дедим?...

Ҳамма ялт этиб уларга қаради.

— Эй, кирчи хотиннинг ўғли, бадкирдорнинг валади! — фиғони чиқиб давом этди Ахий Жаббор баҳодир гунгурснинг ёқасидан силтаганча. – Бефаросатлигингни қара, сен бу шакколигинг билан худди Мусо алайҳиссаломни Одам отадан аввал қўйгандек бўлдинг! Яҳё алайҳиссаломни сўйиб, Закариёни дарахтга қўшиб арралагандек иш тутдинг! Ҳазрат Амир Темур Кўрагон номларини тилга олишни сен девонага ким қўйибди?.. Қандай журъат этдингки, сен, телба, Ҳазратнинг муборак бошлари билан қасам ичасен?.. Сен кимсен ўзи?.. Каллангни олиб қўлингга тутқазиб қўяйми?.. Нотавон кўнгилга қўтир жомашов! Сен ҳатто табаррук изларини ўпишга ҳам нолойиқсен, билдингму? Ул зот шундай олиймақомдадурларки, сену бизнинг лафзимизга асло муҳтож эмаслар! У Мағрибу Машриқ жиловини тутган Искандар Зулқарнайн, Кайхусравдек, Хорунаррашиддек улуғвордир, Бухтаннасру Шаддоддан кўра ҳайбатлироқдир!..

Атрофдан: "Ҳой, урушманглар!..", "Муросага келинглар!..", "Айб бўлади!.." деган овозлар эшитилди.

Тавба қилдим, бек! Тавба қилдим!.. Тавба қилдим!

Гунгурсдай одам шундай дер экан, Ахий Жаббор баҳодирнинг чангакдай қўлидан ёқасини бўшатишга уринарди. Амир Мусо мийиғида жилмайганча қараб турарди.

Одамлар ўртага тушиб уларни ажратиб қўйдилар.

" Ер тўймайди ёмғирга,
Хотин эрга... тўймайди..." — минғирлади ўз севган қўшиғини Учқора... Йаналтекин эса "Маъқул!" дегандай бош тебратиб турарди.

Ахий Жаббор баҳодир ҳаяжондан ҳали ўзига кела олмаган эди. Улфатларнинг истироҳати бузилиб, ўтиришдан ҳам файз кетганлиги аён бўлиб қолди. Улар такяхонани тарк этдилар.

**X**

Ўрусхоннинг элчиси Идику Самарқандга ташриф буюрганда Амир Темур Бухорода эди.

— Бухорога борғоймиз, Кўка... – деди Идику афсуслангандек Кўкаманга. – Хон тез бориб кел, деган бўлсалар ҳам, Амир Темур ҳазратларини кўриб кетмай иложимиз йўқ....

Кўкаман ичида хурсанд бўлди, чунки Бухорони кўрмаган эди, баҳонада машҳур шаҳарни ҳам томоша қилади. Идику шу заҳотиёқ йўлга тушишга буйруқ берди.

Соҳибқирон Бухорони жуда эъзозлар, унда қурилаётган мадраса–ю хонақоҳларни зиёрат айлаш, фуқаро–ю мискин ҳолидан хабар олиш учун тез–тез бу ерга қадам ранжида қилиб турарди. Маҳди улё Саroймулкхоним туғилган шаҳар... Унинг устига, Бухоро атрофида, Занжирсарой томонлардаги поёнсиз яйлов–ўтлоқларнинг баҳорда ям–яшил майсаларга бурканишини яхши кўрар, қишларда эса бу кенгликларда турли илвасинларни ўраб қамраб келиб шикор қилишни ёқтирарди. Соҳибқирон мамнун бўлди Жўжи улусининг нуфузли амирларидан бири элчи мақомида келаётгани унинг назарида яхшилик аломати эди.

Жўжи улусида манғитлардан чиққан номдор амир Идику ҳақида соҳибқиронга баъзи маълумотлар етиб келганди. У ҳақда тинғчиларидан кўп ва ҳар хил гаплар эшитганидан, хаёлида Идикунинг сиймоси шаклланганда ҳам бўлди: бу ниҳоятда маккор, устомон, жасур, тегирмонга ташласанг тирик чиқа оладиган, зийрак ва ақлли бир одам... У ўзини Тўхтамиш ўғлонга яқин олади, лекин Тўхтамиш ўғлон бошида булутлар пайдо бўлса, булутсиз жойга интилиб қолади, аммо устомонлигидан буни подшоҳзодага билдирмайди. У Ўрусхонга суйкалиб келади, лозим вақтда юз ўгириб ҳам кетаверади... Хоннинг ўғиллари Қутлуғ Буғага, Тўқтақияга, Темур Малик ўғлонларга ҳам бирдай жонкуярдай кўрсата олади ўзини... Агар бошқа бир ҳукмдор жаҳон майдонига қадам қўйса унга ҳам талпиниб боради... Кучқорларни бир–бирига гиж—гижлаб уриштириб қўйиб, томошасини маза қилиб кўришни яхши кўрадиган фосиқ одамлардан бири... Табиийки, у Амир Темурга ҳам шундай муносабатда бўлишга ҳаракат қилади, деб кутиш мумкин...

Амир Темур Идикуни Бухоронинг шимолидаги хушманзара чорбоғлардан бирида қабул қилди.

Чорбоғнинг атрофида ўн икки минг қилич осган аскар соқчилик қиларди. "Тузуклар"да белгилангани бўйича, қаердалигидан қатъи назар, соҳибқирон бўлган ерда, хоҳ у Кўксарой бўлсин, хоҳ Боғи Баланд, хоҳ Қаросмон, хоҳ Тошкент, барчасида шунча аскар ўнг ва сўл тарафларда посбонликни адо этардилар. Ҳар куни кечаси минг норғул навкар соқчиликда банд бўларди, ҳар юз қиличли устига бир юзбоши нозирлик қиларди. Келган–кетган одамлар махфий сўзлар, яъни ўронлардан фойдаланар эдилар.

Элчи ва унинг ҳамроҳлари чошгоҳ палласида чорбоққа яқинлашдилар.

— Аллоҳ улуғ, Амир Темур Кўрагон унинг ердаги соясидур! – деб қичқирди дарвоза тагида Идику манғитнинг одамларидан бири...

— Амир Темур Кўрагон Аллоҳнинг ердаги соясидур!.. – деган жавоб бўлди дарвоза ортидан.

— Олтин Ўрда хоқони Ўрусхон элчиси Идику жаноблари киришга ижозат сўрайдилар!..

Мубашшир баҳодир билан Муҳаммад Чуроға додхоҳ элчини чорбоғ дарвозасида кутиб олдилар–да, соҳибқирон турган қаср томон йўналдилар..

Қаср эшигида ясовуллар Ўрусхон элчисига белидаги қилич ва шамширини топширишини сўрадилар.

Аслида сипоҳийлар, амирлар, мингбоши, юзбоши, ўнбошилар девонхонага, базм–мажлисларга қулоқчинсиз, этиксиз, сармузасиз[16], бўрк ёқа чакмонсиз киришлари мумкин эмас. Ёнларида албатта бўкда[17] ва қилич бўлиши шарт... Лекин Зиндачашм опардий воқеасидан кейин салтанатда саройга, Амир соҳибқирон ҳузурига кирганлар — бошқа мамлакатданми, шу ерданми фарқи йўқ, — тиғдан ҳоли бўлишлари лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди. Идикунинг бундан хабари бор эди, у эгнидан пашминасини ечди–да, кўринишхонага кирди, юкуниб бориб заррин тахтда ўлтирган Амир Темурни зиёрат этди ва Жўжи улуси хоқони номасини топширди.

— Аллоҳ мартабаларини бундан ҳам улуғ қилсун! – таъзим бажо келтирди эгилиб–букилиб Идику...

Амир Темур гарчи Жўжи улуси амири билан илк бор кўришиб турган бўлса ҳам, ажабки, уни аввал қаердадир кўргандай эди. Идикунинг тутуми унга жуда таниш туюлди...

Соҳибқироннинг икки мулозими ўртасида ўлтирар экан, Идику тахтда савлат тўккан Турон подшосига ҳасад билан тикилди. У Амир Темур тахтга мингандан бери шу салтанатга келиш, унинг соҳиби билан учрашиш ниятида эди... Амир Темур шаҳрисабзлик оддий амирнинг ўғли, у на авлоди Чингиз, на авлоди Искандар, ёлғиз ўзининг теран ақли–идроки билан мамлакат маснадига чиқди, чиғатойлардан ҳукмфармоликни олди, она юртини Чингиз элидан тозалади, энди Турон унинг қўл остида... Ҳеч қаерда тарихда шундай ҳол юз бермаганки, улуснинг ичидан, раоё–бароё орасидан шундай ҳукмдор чиққан бўлсин... Бу ғаройиб ҳодиса...

Идику ҳам ўшанга ўхшаган, раоё–бароё орасидан чиққан, Жўжи улусида таниқли амир Болтачоқнинг ўғли... На авлоди Чингиз, на авлоди Искандар... У ҳам Амир Темурга ўхшаб жўжийлардан тахтни тортиб олмоғи керак! Аммо, қандай қилиб?.. Амир Мамоқ ҳам ана шундай иддаолари борлигини яширмайди. Энди бўлса Тўхтамиш ўғлон ўртага чиқди. Ҳожитархондаги қурултойда тўс–тўполонда Тўхтамиш ўғлонни Идикунинг ўзи қочириб юборганди. Нима қилар эди ўшанда меҳрибонлик кўргизиб?.. Энди билса, ўзига рақиб орттирган экан. Идику бу ҳақда кўпдан афсус чекиб юради.

Узоқ мулоҳазалардан сўнг манғит амири шундай фикрга келдики, у душманнинг ташида эмас, ичида бўлмоғи лозим, ўзини Ўрусхон доирасига урмоғи керак экан! Шунинг учун ҳам у Қутлуғ Буғага отабеги бўлиш мансабини тилаб олганди. Ахир отаси амир Болтачоқ ҳам Жонибекхоннинг отабегиси эди–да. Отасининг садоқати афсонага айланиб кетганди. Жонибекхон ўлдирилганда душманлари нуфузли амир Болтачоққа: "Агар Жонибекхондан юз ўгириб, бизга қўшилсанг, иззат–икромда бўласен, молу мулк оласен, юртни бошқаресен!", дейишибди. Идикунинг отаси бундай жавоб берибди. "Агар қўл–оёғимни боғламаганларингда эди, бошқача жавоб берган бўлардим. Жонибекхон ўлди... Аммо мен, фақат унинг навкаримен! Сенларни ҳоқон ўрнида кўргунча бу кўзларим кўр бўлсин, дейман! Фармон қил: шу лаҳзадаёқ бошимни олсунлар! Аммо бир илтимос: подшоҳим бошини бошимга қўй, жасадини жасадим устига жойла, токи ундан кейин ўлган бўлсам ҳам, ерга олдинроқ кирайин!" Болтачоқнинг илтимосини бажо келтирибдилар...

Бу воқеа Жўжи улусида, Туркистонда машҳур бўлиб кетганди. Соҳибқирон элчининг ўша жасур Болтачоқ ўғли эканлигини ҳам яхши биларди.

Амир Темур Ўрусхон мактубини Муҳаммад Чуроға додхоҳга узатди. Даромадсиз бошланган қисқагина нома беписандлик намунасига ҳам ўхшаб кетарди, унда такаллуфларсиз беш–ўн қаторгина сўзлар битилганди: "Мақсуд буким, сизга қочиб борғон Тўхтамиш менинг суянган тоғим, чақнаган юлдуздек ўғлимни нобуд қилди... Бас, у менинг душманимдир! Ўғлимнинг хуни унинг бўйнинда... Уни менга тобшурингиз! Йўқ эса, уруш ерини айтиб юборингиз.."

Амир Темурнинг кўнгли "булк" этди: Ўрусхон ҳам ўғлидан айрилибди!

— Ўғли неча ёшда экан?.. – сўради соҳибқирон беихтиёр.

— Йигирма ёшда, Амир соҳибқирон... – кутилмаганда берилган саволдан шошиб қолди Идику. – Яхши ўғли бор эди...

"Унинг отабегиси эдим..." демоқчи бўлди, негадир тили айланмади.

"Жаҳонгир Мирзога тенг экан... Худо сабр берсун...." деб қўйди ичида соҳибқирон ва Муҳаммад Чуроға додхоҳга юзланди:

— Вазири аъзамға айт, назорат қилсун... Мавлоно Убайд бир нома битсунки, мурувватлилик қоида—русуми ва салтанат арбоблари одатларида бирор давлатдан паноҳ истаб келган кишини душман қўлига тобшуриш зинҳор раво кўрилмайдур. Тўхтамиш ўғлон бизга сиғиниб келиб турур. У бизга меҳмондур, меҳмон дахлсиздур. Ани ҳеч кимға бермасбиз! Бундоқ қилмак амримаҳолдур. Аммо уруш десангиз, тайёр турубтурбиз!..

— Маъзур тутадилар, Амир соҳибқирон! – ўрнидан туриб таъзим қилар экан деди Идику.— Чопар бўлиб шундай ташвишли нома олиб келғонимдан хижолатдамен. Зинҳор буни истамас эрдим... Пошшолиқ ҳукми экан–да... Менга юклаб қўйдилар... Ниятим бошқачароқ эди ўзи...

Идику, соҳибқирон бирон нима дермикин, деб оғиз пойлади, шундай бўлганда ўз–ўзидан гап–гапга уланиб кетарди.

Амир Темур сўзга оғиз очмоқчи эди... Бирдан у нима учун Ўрусхон элчисини қаердадир кўргандай бўлавергалигини, тутуми таниш эканлигини эслади–ю тўхтаб қолди. Ёраббий! Идику ўз саъжияси, рафти—ангори билан... Амир Мусога ўхшаб кетарди! Агар Амир Мусонинг ирғиб чиққандай кўзлари борлигини, Идикунинг эса кўзлари қисиқ эканлигини демаса, Ўрусхон элчиси айни қаршилик амирнинг нақ ўзи эди! Бўй–бастлари ҳам, дўнгманглайликлари ҳам бир–бирларига жуда ўхшардилар...

**Давоми келгуси сонда.**

16 Сармуза – кавушнинг бир хили.
17 Бўкда – дудама.

*Йиллар садоси*

# «ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

## ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

**Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,**
**Дўстлар дийдоридан**
**бўлолмас устун.**

Ҳикоямизни буюк ўтмишдошимиз Рудакийнинг ушбу сатрлари билан бошлашимизнинг боиси бор. Чунки шу йили Тошкентда миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари илмий-амалий конференцияси олдидан дўстлик мавзуси ҳақида «Дўст билан обод уйинг» рукни остида жуда кўп саҳифалар эълон қилинган ва дўстлик мавзуси 1989 йилнинг долзарб мавзусига айланган экан. Бинобарин, гап дўстлик ҳақида борар экан, шу ўринда биз ҳам дўстлик хусусида бир-икки оғиз сўз айтмоқни жоиз деб билдик.

Дўстлик — бу муқадас сўз, илоҳий бир туйғудирки, у фақат ҳокисор одамлар ўртасида қарор топади ва ўзаро иззат-ҳурмат туфайли кучайиб боради. «Қобуснома»да дўстлик хусусида шундай дейилади:

— Эй фарзанд, билгинки, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмағай, кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхши. Бир донишманддан сўрадилар, «Дўст яхшими, биродар?». Донишманд деди: «Дўст яхши». Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари ҳам ошкор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстни топганда, эски дўстдан кечмагил, улардан юз ўгирмагил, токи ҳамиша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улуғ давлатдир.

Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил, ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Олижаноб, мурувватли, илмли, вафоли кишиларни дўст тутгилки, сен ўзингнинг мурувватинг, шафқатинг, илминг билан машҳур бўлғайсан. Дўстларнинг ҳаққини асло бекорга кетказмагил, токи сени маломат қилмасинлар.

Байт:

**Дўст дема, гар**
**нозу-неъмат устида,**
**Урса лоф: «Дўстимсан,**
**азиз, меҳрибон».**
**Дўст удир — дўстига**
**чўзади қўлин —**
**Дўсти бўлганида ночор, нотавон.**

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир йигитни қизни севгани учун золим шоҳ алангада куйдириб юборишни амр этади. Ушбу мудҳиш фожеадан еру кўк ларзага келади. Қари-ю ёш, қизу жувон, хотин-халаж, ҳамма-ҳамма нинг афсус-надоматлар билан ғам-аламга ботади. Ушбу софдил, мард, садоқатли йигитга ҳамдардлик билдириб, унга ёрдам беришни қанчалик хоҳламасинлар, қўллардан ҳеч нарса келмасди. Бу фожеадан хабар топган қалдирғоч оғзида сув олиб келиб, аланга устига соча бошлайди. Қалдирғочнинг пойипатак бўлиб жон куйдираётганидан афсусланган йигит: «Бу катта аланга учун сен олиб келган бир томчи сув нима бўлади?» деб қуюнади. Шунда қалдирғоч тилга кириб: «Уйинг пештоқидан жой бериб, менга дўстлик қилган эдинг, шунинг учун яхшиликка яхшилик билан жавоб беряпман. Минг афсуски, қўлимдан бошқа иш келмайди» деб жавоб берибди. Йигит бечора қушчанинг ҳаётбахш сўзларидан хурсанд бўлиб, золимликка парво қилмасдан бардошга бардош қўшилибди.

Кўриниб турибдики, ушбу ҳикоятда нафақат яхшиликка яхшилик, балки дўстликка содиқлик ҳам ўз аксини топган. Агар «Оқшом» газеталари 1989 йилнинг биринчи чорагининг ўзида дўстлик мавзуига ўндан ортиқ саҳифа бағишлаганлигини айтадиган бўлсак, манзара янада ойдинлашади.

Шу йилнинг яна бир долзарб мавзуси сифатида «Инсон одоби билан» рукни остидаги «Буни умр савдоси дейдилар» сарлавҳали мақолалар хусусида ҳам тўхталиб ўтмай иложимиз йўқ. Ушбу бир-бирини тўлдирувчи давомли мақолаларни чоп этишдан олдин таҳририят муштарийларга қуйидагича мурожаат билан чиқади:

«Донолар «Ватан — оила остонасидан бошланади» дейдилар. Оилани эса ота-она, ака-ука, опа-сингил, келин-куёв, ҳаётнинг келажаги бўлган мурғак гўдаклар ташкил этадилар. Тинчлик-хотиржамлик, аҳил-тотувлик, бахт-саодат, меҳнатсеварлик ва меҳр-муҳаббат оиланинг жони, турмушнинг лаззати ҳисобланади. Инсоний ана шу фазилатлар қарор топган оилада доимо рўшнолик, шод-хуррамлик, ширинлик бўлади. Оилалар яшаса бутун Ватан гуллаб-яшнайди. Таҳририятимиз ана шуларни назарда тутиб оилавий муносабатлар ҳақида бир туркум мақолалар беришни режалаштирди. «Буни умр савдоси дейдилар» сарлавҳаси остида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг (ҳозирги университет) доценти Ойшахон Тўраеванинг Ота-она, келин-куёв, уларнинг ўзаро муносабатлари, турмуш қурган ёшларнинг бир-бирларини тушунмай, ажралиш сабаблари ҳақидаги мақолаларни ёритамиз».

Азиз «оқшом»хонларга мурожаат қилиб айтамизки, ҳар биримиз «Буни умр савдоси дейдилар» деган баҳсимизда фаол қатнашайлик. Оила, турмуш, ота-она, ака-ука, опа-сингил, келин-куёв, ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар бирининг ўз олами, нияти, фазилатлари ҳақидаги ўй-фикрларингизни таҳририятимизга ёзиб юборинг».

Шундан кейин юқорида номи зикр этилган муаллифнинг «Оиланинг янги келин-куёви», «Қайнона-келин муносабати», «Ота-онанинг келин ва куёвга муносабати», «Ажралиш сабаби ва оқибатлари» номли мақолалари чоп этилдики, таҳририят бу туркум чиқишлар ҳақида оқшомхонлардан юзлаб мактублар олди. Уларнинг эътиборлиси газета саҳифаларида мунтазам ёритиб борилди. Мана нималар деб ёзади газетхон Лутфия Гуломова.

— Мен, «Оқшом» саҳифаларида ёритиб борилган ахлоқ-одоб ҳамда тўй-туркунлар ҳақидаги мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Уларда ҳаётий воқеалар, келин-куёв, қайнона-келин муносабатлари ва тўйдаги манманликлар ҳамда ортиқча даҳмазалар ҳақида сўз юритилади. Буларнинг ҳаммаси бугуннинг гапи — жамиятимиз аҳли дили ва тили учида турган муаммолардир.

Ҳозирги кунда, ҳеч кимга сир эмаски, шаҳримизда маросимбозлик кундан-кунга авж олиб боряпти. Куни кеча бир хонадондан чиққан жанжал товуши алламаҳалгача қўшниларнинг тинчини бузди. Бу хонадондаги қизнинг яқин кунлар ичида никоҳ тўйи белгиланган эди. Қизнинг онаси яқинларини йиғиб келин саломда қайнона, қайнота учун бериладиган совғаларни кўрсатиб, маслаҳат солган эди даврадагилардан бири: «Вой ўлай, ҳозир қайнона-қайнотага кўрпа жилди билан бериладиган бўлган. Сиз шуни берасизми? Айб бўлади-я, деб чиқиб кетибди. Бечора она нима қилишини билмай эрини қийин-қистовга олади. Ниҳоят у яқин танишларидан қарз кўтариб аёлининг айтган нарсасини келтириб бериб тинчийди.

Кексаларимиз «Тўйдан бошинг чиқмасин» дея тилак билдиришади. Аммо ҳар қандай ўтказиладиган тадбир замон талаби асосида бўлса мақсадга мувофиқ бўлур эди. Оиладаги ҳар хил майда-чуйда гапларни қизнинг сепини унақа ёки бунақалигига ағдармай қизларимизни аъло хулқли, яхши тарбияли, ширинсуxан қилиб тарбияласак, қиз бола учун бундан ортиқ аъло сеп йўқ. Агар мол-дунёга қўйилган ҳирс, «импортний» нарсага бўлган эътиборнинг лоақал ярмиси бола тарбияси учун сарфланса эди кўнгилдаги иш бўлган бўларди.

Газета саҳифаларини варақлай туриб, яна бир мақола диққатимизни ўзига тортди. Бу Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Темур Убайдуллонинг «Тирик қурбонлар» сарлавҳали бадиий-ижтимоий очерки эди. Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган норасида болаларга бағишланган бу очерк ўқувчилар диққатини ўзига тортувчи қуйидаги сўзлар билан бошланади: «Болажоним! Юзингни дераза ойнасига маҳкам босиб нималарни ўйлаяпсан? Кўзларингни йўлдан олмай кимни кутяпсан? Ким у сени севмай сарғайтирган? Ким у қуралай кўзларингни ёшга тўлдирган? Сени кўрдиму болалигим кўз ўнгимда намоён бўлди. У сени кўрсатиб менга илтижо қилди: қутқар уни, унинг болалиги ҳам, сеники каби бўлиши керак. Уни болалигига қайтар. У ҳам сенга ўхшаб капалак қувсин. Сенга ўхшаб сувлар билан пойга ўйнасин. Сенга ўхшаб эркаланиб яшасин.

О, болалигим. Қани энди шу ишлар мени қўлимдан келса, Қани энди, шу болажон ўз ҳаётини туғилиб қайта бошласа! Қани энди, унинг ҳозирги бағритош ота-онаси дунёга келтирмаса...

Болажоним! Ҳозир болалар уйи остонасидан хатлайману, сенинг жажжи юрагингда умид уйғонади: менга келганмикан? Отам шумикан? Йўқ, журъат этолмайман остона хатлашга. Сенинг қалбингдаги умид парчаланишини истамайман. Сен кимнинг фарзандисан ўзи? Кимнинг пушти камаридан бўлгансан? Қаердан келгансан? Гулзордаги гул пуштидан топилганмисан? Ёки автобус бекатидаги ўриндиқдамни? Ёки ахлатхонадан чиққан дуру гавҳармисан? Болажоним, умидларини, орзуларини дераза ойнаси тўсиб турган болажоним! Сен ҳам бахтиёр бўласан. Бунга шубҳа йўқ. Отангни жажжи юрагинг зардобга тўлса ҳам кутиб, онангни кутиб, кўзларингдан ёш оқса ҳам, сен барибир бахтли бўласан. Сенинг мана шу ердаги оламга зор-интизор қараётганинг учун кимни айблашим керак? Лаҳзалик лаззатга бутун вужуди жунбушга келиб яйраган, энди бўлса бутун умрини тавба, тазарру билан ўтказаётган онангними? Аёл қалбидаги не-не эзгу ҳисларни топтаб, сени бу оламга келтирганидан бехабар бебурд отангними?

Болажоним! Сенинг отанг Ватан, онанг Ватан».

Ва ниҳоят очерк охири киши руҳиятини кўтарувчи, Меҳрибонлик уйида, у ердаги болажон тарбиячи- мураббийлар паноҳида безавол камол топаётган келажагимизнинг бахтли ворисларига қарата айтилган илиқ самимий сўзлар билан якунланади.

«Болажоним! Юрагимга бир олам дард қамалди. Сенинг ўксик қалбингга малҳам бўлаётган меҳрибон мураббийларингни кўриб, бошим осмонга етди. Лекин ҳар гал ҳадсиз мунг чўккан кўзларингга қараганимда кўнгил уйим чил-парчин бўлди.

Мана, ҳозир ҳам қайтаяпману, сенга қараяпман. Сен ҳамон ойнага юзингни босиб, менга қараб турибсан.

Болажоним, ол ойнадан юзингни. Кўз ёшларинг юзларингни ювмасин! Аслида сен эмас тирик қурбон. Сени дунёга келтирган, бир оний шаҳвоний лаззатга бор-йўғини барбод қилган ота-онанг тирик қурбонлар. Улар нафснинг, беҳаёликнинг тирик қурбонлари. Сен эса болажоним, ўз вазифангни бажарасан: ўша юзи қора ота-онангнинг номини яхши кунлар келганда шонларга буркайсан. Ҳозир эса бор, тенгдошларинг билан ўйна, кул, яйра. Сен шунинг учун яралгансан!

Болажоним, мудом қуёш ҳамроҳинг бўлсин?

Шу йилнинг тилга тушган мақолалари сифатида Эсон Қосимов ва Тўхтамурод Тошевларнинг «Разолат» деб номланган суд очерки, Адҳам Даминовнинг Ўзбекистон Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг эгизак олималари, техника фанлари докторлари Фотима-Зуҳра Одиловалар ҳақидаги «Парвозда қўш қанот керак» номли мақоласи, Абдулла Нуримовнинг (охирати обод бўлсин) «Бир чимдим тупроқ» ҳикояси, Саъдулла Шодиевнинг «Меҳмон бўл, бўтам» мақоласи ҳамда Феруза Ҳусанова ва Дония Зокироваларнинг қатор мақолаларини санаб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, ғазал мулкининг султони — улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 548 йиллигига бағишланган саҳифа ва газетанинг 13 февраль сонида чоп этилган «Нафосат гулшани» саҳифаларини қайд этиб ўтишимиз мумкин.

1989 йилнинг яна бир эсда қоларли воқеаси — бу «Оқшом» газеталари бош муҳаррирининг алмашиниши бўлди. Олдинги муҳарриримиз Тўлқин Қозоқбоев бошқа ишга ўтиши муносабати билан газетанинг 4 февраль сонига энг сўнгги марта имзо чекди. Шундан кейинги бир ойлик муддат давомида «Оқшом» газеталари бош муҳаррирнинг ўринбосарлари Солиҳ Ёқубов ва Виктор Ломовцевлар имзоси билан чиқиб турди.

Ўша йилнинг 6 мартида «Оқшом»нинг янги бош муҳаррири иқтидорли журналист Эркин Эрназаров газетада ўз фаолиятини бошлади. Албатта, ҳар бир янги раҳбар ўзига хос янги режалар билан ишга келади. Улар тезда газета саҳифаларида ўз юзини кўрсата бошлайди. Янги муҳаррир ҳам бир қатор ижодий ўзгаришларга қўл урди. Газетада янгиланишлар пайдо бўлдики, улар ҳақида келгуси ҳикояларимизда батафсил фикр юритамиз.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

*Турфа олам*

## ИМО-ИШОРА БИР ХИЛ, ЛЕКИН...

**Маълумки, кундалик ҳаётимизда ҳар хил имо-ишораларни қўллаймиз. Бу имо-ишораларнинг кўриниши бир хил бўлса-да, лекин маъноси ҳар хил.**

Масалан, бизда бош ирғаб маъқуллаш ишораси Болгарияда умуман акси — инкор этиш маъносини англатади. Ёки бош бармоқ билан кўрсатиш бармоғи ёрдамида «О» ҳарфини ясаш- АҚШ ва бошқа айрим мамлакатларда «Окей» ёки «Салом» маъносини билдиради. Худди шундай белги эса Тунисда биров ҳаётига таҳдид қилиш — «Сени ўлдираман» дегани, Францияда эса «Ҳеч нарсага арзимайдиган иш» маъносини англатади, дейилади, Булғориянинг «Орбита» ҳафталигида.

## ТЎНҒИЗ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

**Бу ғалати ҳодиса Москва-Рига шоссесининг Псков яқинидан ўтувчи участкасида содир бўлди.**

Эр-хотин Маршакларнинг «Жигули»си рўпарасида тўсатдан улкан тўнғиз пайдо бўлди. Ҳайдовчи қаттиқ тормоз берди, моторни ўчирди. Тўнғиз бунга ишонч ҳосил қилгач, йўлдан ўта бошлади. Шу пайт иккинчи томондан келаётган юк машинаси ҳам тўхтади. Бир неча минутдан кейин шосседаги ҳаракат тамомила тўхтаган эди. Шунда йўл атрофидаги бутазордан димоғи чоғлик билан хур-хурлаётган она тўнғиз ҳамроҳлигида бешта кичкина тўнғизча чиқди. Улар йўл ўртасида вужудга келган коридор орқали иккинчи томонга, ўзларини кутиб турган «оила бошлиғи» ҳузурига бамайлихотир ўта бошлашди.

## ЛЕНОК БАЛИҚ ВА ҚЎЛҚОП

**Василий Даниленко кўп йиллик балиқчилик ҳаётида ҳар турли хўраклардан фойдаланиб балиқ тутган.**

Муз остидан балиқ овлаш унинг севган машғулоти. Амурда яшовчи беш килограммли катта ленок балиғи учун хўрак ўрнига қўлқоп ҳам ўтаверишни бир тасаввур қилиб кўринг. Қармоққа илиниб сувга тушиб кетган қўлқопга эса балиқ илиниб қолибди. Тажрибали балиқчи бунақа ҳодисани аввал эшитган ҳам, кўрган ҳам эмас...

*Спорт*

## ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

**Миллий курашимиз барча қитъаларни забт этмоқда. Ҳозир Европа, Африка, Америка ёхуд Осиёнинг қайси бир мамлакатига борманг, ҳалол ва мардлар баҳси ўзбек кураши бўйича машғулотлар қизғин ўтаётгани, шу спорт тури бўйича юрт, қитъа чемпионатлари ташкил этилаётганининг гувоҳи бўласиз.**

Фикримизга бир далил. Жанубий Америка қитъасида жойлашган Санто-Доминго мамлакатида шу йилнинг 20-22 июль кунлари кураш бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари бўлиб ўтади. Шу кунларда жаҳон чемпионатида қатнашадиган беш кишидан иборат терма жамоамиз аъзолари Ангренда нуфузли турнирга қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

— Ўйлаймизки, курраи заминдаги энг номдор ва кучли полвонлар иштирок этадиган жаҳон чемпионати ҳар доимгидек кескин ҳамда муросасиз баҳсларга бой кечади, — дейди Олимпиада ўйинлари қатнашчиси, жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев. — Ангренда уч нафар эркак ҳамда икки нафар аёлдан иборат терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига қўнғилдагидек тайёргарлик кўриши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Албатта, полвонларимизнинг чемпионлар ёки сов-риндорлар сафидан ўрин олишига ишонаман.

Курашчиларимиз мусобақада иштирок этиш учун 17 июлда жўнаб кетишади.

## МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ

**Мамлакатимиз вакилининг ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиши юртимизда стол тенниси жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.**

Молдовада ўтказилган "Молдова опен" (Молдова очиқ чемпионати) халқаро мусобақаларида юртдошларимизнинг муваффақиятли иштироки фикримизга далил бўла олади. Бир нечта Европа мамлакатларидан кучли кичик ракетка усталари иштирок этган 18 ёшгача бўлган теннисчилар мусобақасида ҳамюртимиз Мадина Аюбова барча рақибларини бирин-кетин енгган ҳолда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олди.

Ўсмирлар баҳсида эса ўзбекистонлик яна бир спортчи Евгений Цойга кумуш нишон насиб этди.

**(Ўз мухбиримиз)**

---

*Шифокор маслаҳати*

## ЮРАК ИШЕМИК ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

**Юрак қон-томир касалликлари кейинги 20-30 йил ичида анча ёшарди. Таъкидлаш кераки, юрак қон-томир касалликларининг олдини олиш, бу хасталикка йўлиққан беморлар ҳаётини сақлаб қолиш ҳозирги кунда ҳам кутилган даражада эмас.**

Бу эса, тиббиёт фанининг ночорлиги, шифокорларнинг уқувсизлиги, даволаш усулларининг талабга жавоб бермаслигидан эмас, ҳамма гап юрак-қон томир хасталигининг ўта маккор, неча ойлар ва йиллар давомида беморга сездирмаган ҳолда, танада зимдан пинҳона ривожланиб боришидадир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юрак-қонтомир хасталиги инсоннинг ўз саломатлигига эътиборсиз, то дард авж олиб, безовта қилмагунга қадар бепарво юриши туфайли ривожланади. Маълумки, қонтомир девори майин ҳужайралар билан қопланган бўлиб, қон айланиши даврида қон томирлар фаолиятини доимий равишда таъминлаб туриши учун зарур бўлган оқсил моддаларни (эритма ҳолда) тана аъзоларига етказиб бериб туради.

Агар қон таркибида ўзгариш рўй бериб, холестерин (моддаси) миқдоридан ортиб кетса, модда алмашинуви бузилади. Холестерин моддаси қон томир деворларига қуйқа ҳолда чўкиб, аста-секин дағаллашиб холестерин қавати ҳосил қилади. Натижада тана аъзолари учун зарур барча моддалар, жумладан кислород юрак мушагига, ўпкага, марказий мияга етарлича етиб бормайди. Юқорида айтиб ўтилганидек, аслида майин бўлган қон томирлар дағаллашиб, мўрт бўлиб қолади. Бу атеросклероз хасталигининг бир белгисидир. Атеросклерозда марказий мияда қон айланиши бузилади, кишида хотира сусаяди; айрим ҳолларда мияга қон қуйилиши каби мудҳиш ҳодиса вужудга келади. Шу ўринда қандай сабаблар юрак ишемик хасталигининг ривожланишига олиб келади, деган савол туғилади. Бу касалликка олиб келадиган асосий ва жиддий омиллардан биринчиси тамаки чекишдир. Тамаки тутуни таркибида 1360дан ортиқ инсон учун зарарли компонетлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги юракни озиқлантирувчи томирларга ёмон таъсир этади. Муттасил чекиш натижасида томирлар тешиги торайиши учун қулай шароит юзага келади ва қон ивиши кучаяди. Бундан ташқари тамаки таркибидаги никотин гемоглабин молекуласи ажралиб чиқишини ўзгартириб, юрак мускулларининг кислород билан озиқланишини издан чиқаради. Ичкиликбозликнинг ҳам бу касалликларнинг ривожланишида роли катта. Қон босими ошиши, қон томири деворининг ўзгариши, торайиши атеросклерозни пайдо қиладиган турли моддаларнинг томир деворларига чўкиши учун шароит яратади.

Тадқиқотлардан шу нарса маълумки, қон босими ошиши билан оғриган кишиларда, юрак ишемик хасталиги нисбатан оғир кечади.

Ҳаддан ташқари семизлик, кўп таом истеъмол қилиш, кам ҳаракат қилиб ҳаёт кечириш ҳам атеросклерозни ривожланишига тўғридан-тўғри ёрдам беради.

Юрак ишемик хасталигини юзага келтирадиган жиддий омиллардан яна бири изтироб, ғам-ғусса чекиш, доимо сиқилиб юришдир. Булар ишемик хасталигининг тезроқ ривожланишига замин тайёрлайди. Ҳар бир соғлом киши бу ҳақда ўйлаб кўриши лозим. Юқорида айтилганидек дарди бор одам асло чекмаслиги, аксинча бу ярамас одатни ташлаши керак. Ироданди бўш кишилар чекишини ташлаш борасида шифокорга мурожаат этиши лозим.

Гиподинамия — кам ҳаракат қилиб яшашнинг инсон учун нақадар зарарли эканини, борабора юрак-қонтомир касалликларига замин яратишини айтиб ўтган эдик. Ҳар бир одам соғлом бўлмоқ учун жисмоний тарбия ва спортнинг ҳар хил турлари, жисмоний меҳнат билан шуғулланиши, доимо ҳаракатда бўлишга интилиши, кўпроқ пиёда юриши лозим. Овқатланишдан кейин меъёрида ейиши кони фойда. Буни унутмаслик керак.

Юрак-қонтомир хасталиги бор беморлар парҳезга ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ёғ ва жигар, углеводларни камроқ истеъмол қилмоқ керак. Ўсимлик тўқималарига бой сабзавотлар, буғда пиширилган карам дўлма, йирик тортилган ундан ёпилган нон. Камқувват овқатлар еб турсалар яхши бўлади. Ёғли, қовурилган таомлардан ўзни бир оз тийиш керак.

Марказий асаб ва юрак-қонтомир тизимини қўзғатувчи ўткир ичимликлар ичиш асло мумкин эмас. Жумладан гўшт, балиқ ва аччиқ таомлардан имкон борича кам тановул этиш лозим.

Бир кунда 6-8 грамм ош тузи ейилса кифоя. Карам, картошка, сабзи, қовоқ, қуритилган мевалар, бузоқ гўшти, арпа, сўк, қорабуғдой ёрмаларининг истеъмол қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Турли витаминлар, микроэлементлар кўп сабзавотлар, кўкатларни истеъмол қилинг. Шарқ халқлари Наврўз айёмини интизорлик билан кутишади. Боиси Наврўзда табиат янгидан уйғониб, кишиларга шифобахш кўкатлар, яъни қувватли таомларни, жумладан, сумалак, ҳалим, кўк чучвара, сомса инъом этади.

Табобатнинг ана шу қадимий ва аънанавий мўъжизаси кишиларни стенокардия, миокард инфарктидан сақлашга, уларга умр қўшишга ёрдам беради.

Юрагида дарди бор кишилар шифокор маслаҳатига қатъий амал қилиши лозим.

**Карима АЛОВУТДИНОВА,**
**Феруза АЪЗАМОВА,**
**1-тоифали шифокор**

---

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан ёзги мавсумда талабаларни иш билан таъминлаш мақсадида хайрли ишга қўл урилди.**

*Ёз — ўтмокда соз!*

## ХАЙРЛИ ТАШАББУС

"Қурилиш индустрия ҳажмли уйжой" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда фаолият юритган партиянинг шаҳар фаоллари ташаббуси билан талабаларнинг муваққат қурилиш отряди ташкил этилди. Шуниси қувонарлики, июль ойидан иш бошлаган мазкур қурилиш ортрядининг 12 нафар аъзолари ҳозирда Чехов кўчасида қад ростлаётган банк уйлари қурилишида фаол қатнашмоқда.

— Мазкур ташаббусдан мақсад, — дейди бу ҳақда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими раҳбари Абдуқодир Орипов, — талабалар бўш вақтларининг сермазмун ўтишини таъминлашдир. Эътиборли жиҳати шундаки, отрядда меҳнат қилаётган талабага 50-60 минг сўмдан маош берилади. Иш кунлари мутасаддилар ёрдамида отряд аъзолари кийим-бош ҳамда бепул овқат билан таъминланмоқда. Ёз мавсумининг якунига қадар партиямиз ёрдами туфайли кўплаб ёшлар иш билан таъминлансалар ажаб эмас.

Дарҳақиқат, ҳозирги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган бир шароитда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг ташаббуси таҳсинга сазовор.

**Дилором ДЎСМУҲАМЕДОВА**

---

*Мунажжим башорати*

## САФАРЛАР САМАРАЛИ БЎЛАДИ

**13 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА**

**Мунажжимлар фикрича, бу чоршанбада ҳар қандай сафарлар, шу жумладан, хизмат сафарлари, саёҳатлар хайрли бўлади. Ички туйғуларингизга ишонишингиз мумкин.**

Мунажжим Лидия Неведомская бугун кечагидан астрологик жиҳатдан осойиштароқ кун бўлса-да, лекин самода мураккаб ҳолат сақланиб қолишини таъкидлайди. — Шунинг учун, дейди у, — бугун келган ва текширилмаган маълумотларга эҳтиёт бўлинг ва иложи борича муҳим амалий ҳужжатларни имзолашдан ўзингизни тийинг. Зеро, уларда жиддий хатоликларга йўл қўйилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бугун жанжаллашиш, товушни баланд кўтариш, жаҳолатга берилиш мумкин эмас. Шу куни кутилмаган хатти-ҳаракатлар омадли бўлади. Муҳаббат, саховат ва шафқат туйғуларини намоён этиш, парранда ва ҳайвонларни тўйдириш бугунги куннинг хайрли ишларидан ҳисобланади. Имкон қадар кўпроқ сўюқлик ичиш тавсия этилади. Қудуқ ва булоқ сувлари шифобахш хусусиятга эга бўлади.

Тўсатдан биров устингизга сув тўкиб юбориши ёки ёмғир остида қолиш хасталиклардан халос бўлишингизга далолат. Шу куни идиш-товоқнинг синиши алдовларга учраш, синишдан огоҳлантиришдир.

Бу кеча кўрилган тушлар рамзий таъбир қилинади ва тезда ўнгингизда содир бўлади.

Буйраклар ва пешоб йўллари хасталикларга мойил бўлади.

Кумушранг ва ҳаворанг кийимлар бугун омадли бўлади. Қора ва барча ёрқин ранглардан узоқроқ бўлинг.

**ЧОРШАНБАДА:**

- сафарга, саёҳатларга отланиш,янги турар жойга кўчиб ўтиш;
- берилиб ва астойдил меҳнат қилиш;
- кунлик ёки яқин вақтларга мўлжалланган режа тузиш;
- бирор қарорга келишдан олдин вазиятни таҳлил этиб олиш;
- ўзингизни босиқ-вазмин, хушмуомала ва хайрихоҳларча тутишингиз;
- уйингиз файзли бўлишига қайғуриб, яқинларингизга эътиборли бўлиш;
- виждон амри билан иш тутиш, адолат қонунларига риоя этиш тавсия қилинади.

Овқатланишда парҳез ва режимни (айниқса юрак-қон томирлари хасталикларига мойил бўлсангиз) ман этилади.

---

Тошкент шаҳар Адлия бош-кармаси томонидан 1997 йил 16 июлда Турсиметов Туламат Хайтваевич номига берилган 121-рақамли, 000121-серияли лицензия йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

---

Тошкент шаҳар ҳокимлиги шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Икромбек Донабоевич Бердибековга волидаи муҳтарамаси

**САЛОМАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

---

**Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар**

**ДИҚҚАТИГА!**

**Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.**

**Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:**

**133-15-32, 139-05-57,**
**55-67-42, 55-19-73.**

---



**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2496 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-609.

1 2 3 4 5 6